

Риёзус солихийн шарҳи / Ҳаё ва унинг фазилати ҳамда у билан хулқланишга одатланмоққа тарғиб қилиш ҳақида / 1449-ҳадис

1449 – وَعَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا قَالَتْ: افْتَقَدْتُ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ ذَاتَ لَيْلَةٍ، فَحَسَسْتُ؛ فَإِذَا هُوَ رَاكِعٌ – أَوْ سَاجِدٌ – يَقُولُ: «سُبْحَانَكَ وَبِحَمْدِكَ، لَا إِلَهَ إِلَّا أَنْتَ».

وَفِي رِوَايَةٍ: فَوَقَعَتْ يَدَيَّ عَلَى بَطْنِ قَدَمِهِ وَهُوَ فِي الْمَسْجِدِ، وَهُمَا مَنْصُوبَتَانِ، وَهُوَ يَقُولُ: «اللَّهُمَّ؛ أَعُوذُ بِرِضَاكَ مِنْ سَخَطِكَ، وَبِمُعَافَاتِكَ مِنْ عُقُوبَتِكَ، وَأَعُوذُ بِكَ مِنْكَ، لَا أَحْصِي ثَنَاءً عَلَيْكَ، أَنْتَ كَمَا أَثْنَيْتَ عَلَى نَفْسِكَ». رَوَاهُ مُسْلِمٌ [485، 486].

1449. Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

«Кечаларнинг бирида Набий соллаллоҳу алайҳи васалламни йўқотиб қўйдим. Ахтариб борсам, рукуъ (ёки сажда) қилаётган эканлар. Унда: «Субҳанака ва биҳамдика лаа илаҳа илла анта»ни айтаётган эдилар.

(Маъноси: Сенга ҳамд айтиш билан Сени поклайман. Сендан бошқа илоҳ йўқ).

Бошқа ривоятда: У зот саждадаликларида қўлим оёқларининг тагига тегди. оёқ кафтлари тик турар эди. Ўзлари эса: «Аллоҳумма, аъузу би ридоока мин сахотик, ва би муъаафаатика мин ʼуқуубатик, ва аъузу бика минка, лаа уҳсии санааʼан ʼалайк, анта камаа аснайта ʼалаа нафсик», дердилар.

* Маъноси: «Аллоҳим, розилигинг ила ғазабингдан, офиятинг ила уқубатингдан паноҳ тилайман. (Ғазабингдан) Ўзингдан паноҳ тилайман. Мақтовингнинг адоғига ета олмайман. Сен Ўзингни қандай мақтаган бўлсанг, ўшандайсан».

Имом Муслим ривояти.

Шарҳ: Бу умматларга таълимдир.

Аввал айтганимиздек, саждада «Субҳана Роббиял Аъло»ни айтилади. Инсон ўзи ёлғиз намоз ўқиганда эса, нафл ва тунги таҳажжуд намозлари саждасида хоҳлаганича дуо қилиши мумкин. Ушбу ҳадисларда келган дуоларни ёдлаб олса, яна ҳам яхши.

Бу ҳадисда Оиша онамиз таҳминан шаъбон ойининг ўн еттинчи кечаси Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг жойларида йўқ эканликларини кўради. Бирдан ақлига бошқа аёлларининг ёнига кетган шекилли деган ҳаёл келди. Бу шубҳа ичида қўллари билан Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни излай бошладилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни ҳар доим намоз ўқиган ерида, сажда қилган ва оёқ учлари қиблага қилинган ҳолатда Аллоҳни зикр ила машғул эканлигини пайқагач ёмон шубҳасидан ўзи уялди. Шунда «Эй Аллоҳнинг расули! Ота-онам сизга фидо бўлсин, мен нимани ўйладиму, сиз нима қиляпсиз!» дея ўзидан уялди.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг «Эй Раббим, Сенинг розилигингни шафеъ қилиб ғазабингдан, офиятингни шафеъ қилиб уқбатингдан паноҳ тилайман» сўзи, ҳар қандай вақтда раҳмат ва марҳамат талабидир. Сенинг улкан ғазабингдан қочиб кутила олмайдиган яна Сенинг ҳимоянгга ва раҳматингга сиғинаман демакдир. Аллоҳ таолонинг «Раҳматим ғазабимдан устундир» деб буюрганини жуда яхши билган Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг бундай дуо қилишининг аҳамияти жуда катта. Ва яна унинг «(Эй Раббим) сенга сиғинаман» деб дуо қилиши ҳам Яратганнинг лутфига лойиқ бир илтижодир.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам «Мақтовингнинг адоғига ета олмайман. Сен Ўзингни қандай мақтаган бўлсанг, ўшандайсан» деб айтиш билан, инсоннинг Аллоҳни лойиқ шаклда улуғлашга ожиз эканини очиқ шаклда билдирган. Бир инсон бутун кучи билан билган ҳамма мақтов сўзлари билан Аллоҳни мақтаса ҳам, Аллоҳни куч қудратини лойиқ шаклда мақтай олмайди. Унинг қўлларига берган эҳсонларини «Агар Аллоҳнинг неъматларини санасангиз, саноғига ета олмассизлар» (Иброҳим сураси, 34-оят: Наҳл сураси 18-оят) оятларда келганидек санаб битира олмайди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг «Сен Ўзингга сано айтганингдексан» деб айтгандаги мадҳлардан бири ушбу оятда келган;

«Бас, барча ҳамд осмонларнинг Роббига, ернинг Роббига ва Оламларнинг Роббигадир. Осмону ердаги улуғлик Уникидир. У зот Азийзу Ҳакиймдир». (Жосия сураси, 36-37 оятлар).



HADIS.ISLOM.UZ
NUBUVVAT MARVARIDLARI